



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT
VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI HUZURIDAGI
"LOYIHALAR VA IMPORT KONTRAKTLARINI KOMPLEKS EKSPERTIZA QILISH MARKAZI"
DAVLAT UNITAR KORXONASI

2022-yil *01 mart* № *11/02-06/1-1233* 100084, Toshkent, Amir Temur shoh ko'chasi, 107-B

**Amudaryo xavzasi suv xo'jaligi
birlashmasi Quyi daryo boshqarmasi**

**Tender hujjatining kompleks ekspertiza natijalari bo'yicha
XULOSA**

Loyiha nomi	“Taxiatosh gidrouzeli yuqorg'i byefini loyqacholkindilardan tozalash” bo'yicha LSX ishlab chiqish va 210 ga joyni topogeodeziya ishlarini bajarish
Buyurtmachi arizasining raqami va sanasi	2022-yil 31-maydagi 95/1-sonli ariza
Buyurtmachi	Amudaryo xavzasi suv xo'jaligi birlashmasi Quyi daryo boshqarmasi
Loyihani amalga oshirish uchun asos	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-fevraldai 16-sonli tashrif bayoni
Moliyalashtirish manbai	Davlat byudjet mablag'lari xisobidan
Obyektning chegaraviy narxi	2 000 000 000 so'm QQS bilan, 1 739 130 434 so'm QQS siz
Ekspertiza o'tkazish uchun asos	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-yanvardagi PQ-3464-sonli va 2018-yil 20-fevraldagi PQ-3550-sonli qarorlari

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi "Loyihalar va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi" DUK "Taxiatosh gidrouzeli yuqorg'i byefini loyqa-cho'kindilardan tozalash" bo'yicha LSX ishlab chiqish va 210 ga joyni topogeodeziya ishlarini bajarish" obyektini bo'yicha tender hujjatining kompleks ekspertiza natijalari bo'yicha e'tirozlar mavjud emasligi va davlat xaridlarini belgilangan tartibda o'tkazish mumkinligini ma'lum qiladi.

Buyurtmachi davlat xaridlarini maxsus axborot portalida, ommaviy axborot vositalarida va rasmiy veb-saytlarda tender (tanlov) o'tkazish to'g'risidagi e'lonni joylashtirish orqali qurilish pudrat tashkilotlarini keng jalb etilishini ta'minlashi kerak.

Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 11-iyundagi 261-sonli "Markazlashtirilgan kapital qo'yilmalar hisobidan amalga oshiriladigan investitsiya loyihalarini amalga oshirishda shartnomaviy joriy narxlarga o'tish to'g'risida"gi qarorining 1-ilovasi 4-bandiga muvofiq buyurtmachi tomonidan aniqlangan boshlang'ich qiymati tanlov savdolari (tenderlar) o'tkazishda yo'nalish hisoblanadi va pudrat shartnomasi (kontrakt) tuzish uchun asos bo'lib xizmat qilmaydi. Obyektning shartnoma qiymati o'tkazilgan tanlov savdolari (tenderlar) natijalari bo'yicha aniqlanadi.

O'z navbatida buyurtmachi haqqoniylik, ratsionallik, iqtisod tamoyillariga rioya qilish, moliyaviy mablag'lardan samarali foydalanish, shuningdek O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunda nazarda tutilgan xaridlarni amalga oshirishda shaffoflik va korrupsiyaga yo'l qo'yilmasligini ta'minlashga javobgardir.


N. Matyakubov

B. Xusanov

A. Abdusalamov

G'. Shodiyev

L. Dusmuxamedov



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Амударё хавзаси сув хўжалиги
бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси
раҳбари



Дж.У.Узаков

2022 йил

Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси “Тахиатош гидроузели юқорғи бўфини лойқа-чўкиндилардан тозалаш” объектида лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан бош лойиҳачи ташкилотни аниқлаштириш бўйича

Т Е Н Д Е Р Х У Ж Ж А Т И

ТЕНДЕР ХУЖЖАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:
ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тахиатош тумани 2022 йил

МУНДАРИЖА**НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

(иштирокчиларга тендер хужжати таркибида тақдим этилмайди)

ТЕНДЕР ХУЖЖАТЛАРИ**УМУМИЙ ҚИСМ**

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ТЕНДЕР ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИ
АНИҚЛАШ СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

ТЕХНИК (ЛОЙИҲА) ТОПШИРИГИ

ТИЖОРАТ ҚИСМИ

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

ЛОЙИҲАЛАШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ



БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси “Тахиатош гидроузели юкорғи бьефини лойқа-чўкиндилардан тозалаш” объектида бош лойихачи ташкилотни аниқлаш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси “Тахиатош гидроузели юкорғи бьефини лойқа-чўкиндилардан тозалаш” объектининг лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва топогеодезия ишларини бажариш

Лойихалаштириш бошланғич нархи:

– 2 000 000 000 сўм ҚҚС билан.

– 1 739 130 435 сўм ҚҚС сиз.

Ишларни тугаллаш муддати:

– 20 кун.

Буюртмачи: Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси (Тахиатош туман, Амударё кўчаси, ракамсиз-уй.)

Тендер ташкилотчиси: Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси (Тахиатош туман, Амударё кўчаси, ракамсиз-уй.)

тел. (998 61) 572 10 65; (998 61) 225 15 74

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

• Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

• Таклифларни баҳолашда Тендер иштирокчиларининг (оферент) тендер таклифлари (оферта) қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Танлов савдоларини ташкил этиш учун Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармасининг қуйидаги манзил бўйича муурожаат этишлари мумкин: Тахиатош туман, Амударё кўчаси, ракамсиз-уй.)

тел. (998 61) 572 10 65; (998 61) 225 15 74.

• Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилаётган давлат харидлари бўйича махсус ахборот <https://etender.uzex.uz/> порталидан юклаб олишлари мумкин.

• Тендер ташкилотчисига таклифларни махсус ахборот порталида эълон тендер эълон қилинган кундан бошлаб 12 иш куни ичида Тахиатош туман, Амударё кўчаси, ракамсиз-уй,

• тел: 61-225-15-74; e-mail: <https://etender.uzex.uz/> манзилга топшириш лозим. Тендер таклифларини қабул қилишни охириги муддати эълон вақтида кўрсатилади.

• Таклиф (оферталар) очилиши <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида эълон чоп этилган кундан бошлаб 12 иш кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади: Тахиатош туман, Амударё кўчаси, ракамсиз-уй.)

Амударё хавзаси сув хўжалиги
бирлашмаси Қуйи дарё
бошқармаси раҳбари



Дж.Узаков

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси тендерда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этади ва қуйидаги предмет бўйича тендер таклифини (оферта) <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида тақдим этилишини сўрайди.

Объект номи: “Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси “Тахиатош гидроузели юқорғи бўёфини лойқа-чўқиндилардан тозалаш” объектида ишчи лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш;

Буюртмачи: Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси (Тахиатош туман, Амударё кўчаси, рақамсиз-уй.)

Тендер ташкилотчиси: Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси (Тахиатош туман, Амударё кўчаси, рақамсиз-уй.)

тел. (998 61) 572 10 65; (998 61) 225 15 74

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари (шунингдек, икки ёки ундан ортиқ лойиҳа ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишлари мумкин.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:
фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;
тендер предмети қийматининг 20% миқдордаги айланма маблағлари ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш ҳақидаги банк қафолати мавжудлиги;
доимий ходимлари, жумладан ЛБМ ва ЛБА ходимларига эга бўлиши;
ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

тузилган лойиҳа шартномаларига мувофиқ, лойиҳанинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг ҳулосалари билан тасдиқланган шаҳарсозлик, санитария нормалари ва қоидалари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган ишларининг сифатини таъминланиши бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар тендерни предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияланиши зарур бўлса, тендерда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги иштирокчиларга тендер жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Тендер таклифини (оферта) тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар тендер иштирокчилари учун йўриқномада ақс эттирилган.

Тендер иштирокчилари (оферент) танишиб чиқиш ва тендер таклифини (оферта) тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (қизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.



Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни тендер иштирокчиларига (оферент) уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

Тендер ташкилотчисига таклифларни махсус ахборот порталида тендер эълон қилинган кундан бошлаб etender.uzex.uz сайтига жойлаштириш лозим. Тендер таклифлари қабул қилишни охириги муддати эълон вақтида кўрсатилади.

Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг (оферент) тендер ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни очиш санаси тендер эълон қилинган кундан бошлаб 12 (ўн икки) иш кундан кейин, буюртмачининг <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталидаги саҳифасида яъний 2022 йил " _____ " кунини соат " _____ " да бўлиб ўтади.



Ташкилотчи раҳбари:

Дж.Узаков

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи – тендер ахборот жадвали (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) да кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, тендер ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича тендер эълон қилади.

1.2. Тендернинг тури – очик тендер, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

1.3. Ишлар тендер ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Лойиҳа ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

1.5. Тендер ҳужжатлари белгиланган тартибда техник иқтисодий асослар ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб асосида ишлаб чиқилса ва буюртмачи объектнинг кейинги босқичлари экспертизасини ишлаб чиқиш ва ўтказишни пудратчига топширишни режалаштирса, бу ҳақда ТАЖда кўрсатилиши лозим. Бунда ишлар маълумотини пудратчи ўзининг тендер таклифининг (оферта) қийматига киритиши керак.

II. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу тендер ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майда қабул қилинган 276-сонли Қарорига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм тендер иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Тендер буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Тендер иштирокчиси (оферент) ҳақида умумий маълумотлар.

3-шакл. Тендер иштирокчисининг (оферент) молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Тендер иштирокчисининг (оферент) иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллиги.

6-шакл. Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Тендер иштирокчисининг (оферент) ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

8-шакл. Тендер иштирокчисининг (оферент) жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

9-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

10-шакл. Ҳужжатларни имзолаш ва тендерда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-илова. Лойиҳани бажариш буюртманомаси.

2-илова. Лойиҳа ишларини бажариш графиги.

3-илова. Лойиҳани молиялаштириш графиги.

4-илова. Ишларни бажариш тавсифи.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида)

жихозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.



Изоҳ: Лойиҳанинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат қисми:

Лойиҳанинг бошланғич нархи;

Лойиҳанинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур объект бўйича тендерда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий Лойиҳа ташкилотлари тендернинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.3. Иштирокчи ўзининг тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, тендер ташкилотчиси ва тендер комиссияси тендер натижаларидан қатъи назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) тендер ҳужжатида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, тендер ташкилотчиси киритилган ўзгартиришлар ҳақида тендерда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида иштирокчи ёзма равишда тендер ташкилотчисига тендер ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Тендер ташкилотчиси иштирокчининг сўрови бўйича тендер ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда тендерда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга жавобларни жўнатишга мажбур.


4.4. Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, тендер ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки тендер иштирокчисининг (оферент) сўровига жавобан амалга оширилганлигидан қатъий назар “Тендер иштирокчиларига хабарнома” кўринишда расмийлаштирилади ва тендер ҳужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси тендер иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Иштирокчилар хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дарҳол уни ташкилотчига қайтаришлари керак.

4.6. Тендер иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

4.7. Тендер иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вақт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи тендер комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувофиқ таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда тендер иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада оферталар тақдим этиш муддатини янги охири санаси белгиланади.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ



5.1. Тендер иштирокчилари тендер ва лойиха ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, тендер иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида тендер предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойиханинг график қисми (чизмалари) ни буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси лойиха ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты) ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

5.2. Тендер иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг (оферент) юкоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойихани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ (ОФЕРТА) ТАЙЁРЛАШ

6.1. Тендер иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, тендерга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, тендер иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖДа кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Тендер иштирокчиси (оферент) томонидан тайёрланган тендер таклифида (оферта), унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Иштирокчи тендер таклифини (оферта) мазкур тендер ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖДа ва тендер ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, иштирокчи тендер таклифини (оферта) тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Иштирокчи ўз тендер таклифининг (оферта) таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ (ОФЕРТА) ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР


7.1. Тендер таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи йиғма жилддан иборат. Биринчи жилдга кирувчи ҳужжатларда тендер таклифи (оферта) қийматига оид ҳеч қандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар фақат иккинчи йиғма жилд ҳужжатларида бўлиши керак.

7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:

7.2.1. ТАЖДа кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш топшириқномасининг нусхасини тақдим қилиш йўли билан тендерда иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Тендер буюртмасини таъминлаш кафолати суммаси объект бошланғич нархнинг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Тендер буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал қилиш муддати ТАЖДа кўрсатилади.

7.2.2. Тендер иштирокчиси (оферент) ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

7.2.3. Тендер иштирокчисининг (оферент) охириги уч йилдаги молиявий аҳволи (3-шакл). Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур.



7.2.3.1. Тендер иштирокчисининг (оферент) иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.4. Объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки 20% миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги (5-шакл) (ТАЖни қаранг).

7.2.4.1. Айланма маблағлар объект бошланғич нархининг 20% дан кам миқдорини ташкил этган ҳолларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этади.

7.2.4.2. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, банк кафиллигининг амал қилиш муддати тендер таклифлари қабул қилиш тугатилган кундан 75 кундан кам бўлмаслиги керак.

7.2.4.3. Банк кафолати фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк кафиллигида тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми кўрсатилади.

7.2.5. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (6-шакл). Ушбу жадвалда иштирокчи тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.6. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари ва офис техникалари рўйхати (7-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (8-шакл).

7.2.8. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (9-шакл).

7.2.9. Тендер иштирокчисига (оферент) берилган, ҳужжатларга имзо чекиш ва тендерда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома (10-шакл). Тендерда иштирокчининг биринчи шахси (раҳбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.12. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга иштирокчи ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. 2-йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:

7.3.2. Лойиҳа ишларини бажариш графиги (2-илова).


7.4. Буюртмачи тендерда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Тендер ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - тендер ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертаннинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташқари, қайтариш асоси вужудга келган вақтдан эътиборан 10 (ўн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.



7.6. Тендерда иштирок этишга буюртма таъминоти куйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги кун ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг (оферта) амал қилиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.6.2. Тендер голиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда, ёки тендер ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлови орқали тендер ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса тендер таклифи (оферта) деб ҳисобланади.

IX. ТЕНДЕР ТАКЛИФНИНГ (ОФЕРТА) АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Тендер таклифининг (оферта) амал қилиш даври тендер таклифлари қабул қилиш тугатилган кундан бошлаб 75 кунни ташкил қилиши керак, агарда ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача тендер ташкилотчиси тендер иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Тендер иштирокчиси (оферент) таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг аслини pdf форматда <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида жойлаштириши шарт.

XII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ (ОФЕРТА) БЕРИШ

12.1. Таклифлар тендер ташкилотчисига ТАЖДа кўрсатилган тартибда, ўз муддатида <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида жойлаштириши керак.

12.2. Дастлабки малака танлови орқали тендер ўтказилганда (мазкур йўриқноманинг 1.2 бандига ва ТАЖГа қаранг) дастлабки малакани ўтказиш санаси тайинланади (ТАЖГа қаранг).

12.3. Буюртмачи тендер комиссияси билан келишган ҳолда таклиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳақида тендер ташкилотчиси иштирокчиларга хабарномалар орқали билдиради.

12.4. Оферта тендер ташкилотчисига тақдим этилгандан сўнг, у оферта қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш китобида рўйхатга олади.

12.5. Буюртмачи томонидан лойиҳа ҳужжатлари тендер иштирокчисига (оферент) мазкур йўриқноманинг 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда тендер иштирокчиси (оферент) тендер таклифини (оферта) топшириш муддатини узайтириш ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилиши мумкин.

12.6. Юқоридаги бандда қайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда тендер ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, иштирокчи буюртмачидан лойиҳа ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани қабул қилган кундан бошлаб, энг камида 5 кун муддатга тендер таклифини (оферта) топшириш муддатини узайтириши мумкин.

XIII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ (ОФЕРТА) ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

13.1. Таклиф берилганидан кейин иштирокчи тендер таклифига (оферта) ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичида ёзма равишда тендер ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

13.2. Иштирокчи киритаётган ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарнома мазкур йўриқноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган,



муҳрланган ва белги қўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда кўрсатилган тендер таклифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XIV. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ

14.1. Тендер буюртмачининг манзилида ўтказилади, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

14.2. Таклифлар буюртмачининг <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталидаги саҳифасида очилади ва тендер баённомасида кўринади.

14.5. Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди.

14.6. Тендер таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.8. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври тендер таклифининг (оферта) амал қилиш даври тендер таклифлари қабул қилиш тугатилган кундан бошлаб 45 кунни ташкил қилиш керак.

14.12. Тендер комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш тендер комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Тендер комиссияси томонидан оферентлар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, тендер комиссияси ушбу тендер таклифини (оферта) рад қилишга ҳақли.

14.15. Тендер комиссияси тендер ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа катнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

14.16. Тендер комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

14.17. Тендерга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

14.18. Тендер комиссияси тендер таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига тендер комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консултантлар (тендер комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Жалб қилинган эксперт ва консултантларнинг хизматлари шартнома асосида буюрмачи томонидан тўланиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари тендер комиссияси аъзолари каби тендерни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур тендер ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

15.1. Тендер комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни тендер комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида оферентлардан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

XVI. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

16.1. Оферентни талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг офертасида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.



16.2. Оферентлар таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гуруҳи аъзолари тендер таклифларининг баҳолаш варақларини тўлдиришади (техник баҳолаш варағи ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

16.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

Т /р	Параметрлар номи	Шакл	Максимал балл	Оферентлар		
				5	6	7
1	2	3	4	5	6	7
1	буюртмачининг https://etender.uzex.uz/ махсус ахборот порталидаги саҳифасида куринади		100			
	Жами балл		100			

Изоҳлар:

Оферент баҳолаш якунларига кўра 80 баллдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиш баллари), тендер комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади.

Баҳолаш гуруҳи аъзоси (аъзолари): _____
(имзоси) (Ф.И.О.) (санаси)

16.4. Тендер комиссияси оферентдан уни малака талабларига жавоб беришини тасдиқловчи далилларни расмий шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

16.6. Баҳолаш гуруҳи тузилган ҳолатда тендер комиссияси аъзоси баҳолаш гуруҳининг тавсиялари асосида қарор қабул қилишга ёки тендер таклифлари баҳолаш варағини мустақил тўлдиришга ҳақли.

16.7. Тендер комиссияси оферентнинг интеллектуал мулкига ва тижорат сирига тажовуз қилишга ҳаққи йўқ.


XVIII. ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Тендер ғолибини эълон қилиш <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида ўтказилади.

18.2. Таклифни қабул қилинганлиги ҳақидаги қарор тендер ғолибига тендер ташкилотчиси томонидан таклифни қабул қилинганлиги <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида кўринади.

18.3. Пудрат шартномасини тендер ғолибига берилгани юзасидан тендер комиссиясининг қарори охирги ҳисобланади ва муваффақият қозонмаган оферентлар билан кейинчалик бу масала бўйича баҳс ва мунозаралар ўтказилмайди.

18.4. Тендерларда муваффақият қозонмаган оферентлар суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга, суд идоралари сўровига кўра, тендер комиссияси раиси тендер комиссиясининг ҳар бир иштирокчиси ва буюртмачи кўрсатилган оферентларни қатнашишдан четлаштириш сабабларини батафсил тушунтиришни <https://etender.uzex.uz/> махсус ахборот порталида баённомада тақдим этадилар.



XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

19.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, Лойиҳа пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, тендер ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

19.3. Агар тендер ғолиби мазкур тендер ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, тендер комиссияси билан биргаликда, офертаси иккинчи ўринни олган оферентни тендер ғолиби деб топиши ёки такрорий тендер ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур тендер ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

XX. ТЕНДЕР НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

20.1. Тендер натижалари буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига маълумот киритгандан сўнг тендер яқунланган ҳисобланади.

20.2. Буюртмачи Қурилиш вазирлиги билан келишилган кундан кейин беш кунлик муддат ичида оммавий ахборот воситаларида тендер натижалари (предмети, ғолиби, шартномавий нархи ва инвестицион лойиҳани бажариш муддати) ҳақида эълон чоп этади.

20.3. Тендер натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

20.4. Буюртмачи ва Пудратчи (тендер ғолиби) ҳар ойда томонларнинг тендер талабларини бажарилиши ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига белгиланган тартибда тақдим этишга мажбур.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Тендер қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- оферталарни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам оферта келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида тендер комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:
- тендер комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда тендер ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Тендерни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши тендернинг бирон-бир иштирокчиси (тендер комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар тендер бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий тендер ўтказилади. Бунда тендер ҳужжатлари талабларини қайта кўришга руҳсат этилади.

XXII. ТЕНДЕР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим тендер предмети бўйича ва тендер ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус коидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар



1.	Буюртмачи ташкилот номи:	Амударё хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи дарё бошқармаси
2.	Объект номи:	“Тахиятош гидроузели юқорғи бьефини лойқа- чўкиндилардан тозалаш” бўйича ЛСХ ишлаб чиқиш ва 210 га майдонда топогеодезия ишларини бажариш
3.	Тендер etender.uzex.uz махсус ахборот порталидаги Лот №	(Эълон қилиш даврида https://etender.uzex.uz/ махсус ахборот порталидаги саҳифасида кўринади)
4.	Тендер тури:	Очик тендер
5.	Тендер ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz махсус ахборот порталидан ёки, тел: 61-572 10 65; 61 225 15 74
6.	Тендерни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	etender.uzex.uz махсус ахборот порталида ўтказилади
7.	Тендерда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади:	Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ҳамда бошқа ресурслари мавжуд; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб- таомилларининг мавжуд эмас; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) Тендерда иштирок этишга рухсат этилмайди.
8.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Тендер предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 мая “Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тўғрисида”даги 381-сонли қарорига мувофиқ лицензияга эга бўлиши шарт.
9.	Иштирокчиларнинг тендер ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Иштирокчиларнинг тендер ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш мурожатлари таклифларни қабул қилиш тугатилишидан 2 кун аввал қабул қилинади. Тушунтиришлар бўйича мурожатларга 1 (иш) кун давомида жавоб такдим қилинади.
10.	Тендер таклифларини такдим қилиш муддатлари:	etender.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон қилингандан сўнг 12 иш кун давомида
11.	Тендер ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили (Русский язык)
12.	Тендер таклифининг (оферта) амал қилиш муддати:	Тендер таклифининг (оферта) амал қилиш даври тендер таклифлари қабул қилиш тугатилган кундан бошлаб 75 кунни ташкил қилиши керак. (п 9.1)
15.	Тендерда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори:	400 000 000 сўм (Объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги хақидаги тижорат банки томонидан

		тасдиқланган маълумотнома ёки 20% миқдорда айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги, п 7.2.4.)
16.	Банк кафиллигининг амал қилиш муддати:	Тендер таклифлари қабул қилиш тугатилган кундан 75 кундан кам бўлмаслиги керак. (п 7.2.4.2)
17.	Тендер предметининг объектида ишлатиладиган офферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	Баҳолаш мезонлари 5-қисмига мувофиқ
18.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	- Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, машина ва механизмлар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси
19.	Тендер таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили:	Тендер ҳужжатлари https://etender.uzex.uz// махсус ахборот порталида жойлаштирилади
20.		
21.	Тендер таклифларини баҳолаш муддати:	Тендер таклифининг (оферта) амал қилиш даври тендер таклифлари қабул қилиш тугатилган кундан бошлаб 45 кунни ташкил қилиш керак (п 14.8)
22.	Иштирокчиларнинг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган иштирокчилар:	Техник баҳолаш мезонларига асосан (п.16.3) 80 ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчилар
23.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан 2 000 000 000 сўм ҚҚС сиз 1 739 130 435 сўм
24.	Буюртмачи томонидан белгиланган Лойиха ишлаб чиқиш муддати	20 кун
25.	Молиялаштириш манбаи:	Давлат бюджети.
26.	Лойихани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари; Буюртмачи шартномани рўйхатдан ўтказгандан сўнг ун иш куни ичида шартнома баҳосининг 30% миқдорда аванс тўловини амалга оширади. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси, ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.
27.	Шартнома тили:	Ўзбек тили (Русский язык)
28.	Шартнома валютаси:	Ўзбекистон "сўм"и
29.	2022 йил учун ажратилган лимит	2 000 000 000

